
Ҳурматли хотин-қизлар! Ўзбекистон туман ИИБ даги “Тўмарис издошлари” жамоавий гуруҳига аъзо бўлишга таклиф этамиз!

“Ички ишлар органларининг хотин-қизлар масалалари бўйича бўлинмалари ҳузуридаги “Тўмарис издошлари” жамоавий гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ҳукумат [қарори](#) қабул қилинган.

Қарорга кўра, 2023 йил 1 июндан ёши 18 дан кичик ва 30 дан катта бўлмаган, умумий ўрта ёки ўрта махсус маълумотли, бириктирилган ҳудудда доимий яшовчи ҳамда мулоқотга киришувчан ва ташкилотчилик қобилиятига эга хотин-қизлар кўнгилли асосда жалб қилиш орқали “Тўмарис издошлари” жамоавий гуруҳлар фаолияти ташкил этилиши белгиланган.

Мазкур гуруҳларнинг асосий вазифаларидан бири ўрта, қизларнинг хулқ-атвориغا салбий таъсир кўрсатаётган ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши билан боғлиқ масалаларни аниқлашда кўмаклашиш ҳисобланади.

“Тўмарис издошлари” жамоавий гуруҳи туман ИИБ хотин-қизлар масалалари бўйича бўлинмаси ҳузурида 2 нафар аъзодан иборат таркибда шакллантирилади.

Маълумот ўрнида, “Тўмарис издошлари” жамоавий гуруҳлари аъзоларига тавсияномага асосан ҳуқуқ-тартибот органларининг ОТМларига саралашнинг барча босқичларидан муваффақиятли ўтганидан сўнг яқка тартибдаги суҳбатсиз (тест синовларисиз) квота асосида ўқишга кириш ҳуқуқи берилади.

Мурожаат ва батафсил маълумот учун, туман ИИБ хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори: +998906273418

2024-07-05 11:55:57